
СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Олтиариқ туманининг чегара худудидаги Янги ариқ, Толкўча маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли кўчаларда яшовчи фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида туман ҳокимлиги томонидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 370 дан ортиқ хонадонлар ва тадбиркорлик субъектларида тоза ичимлик суви муаммоси бартараф этилди. Туман ҳокимлиги томонидан 700 метр масофага сув қузури тортиш учун маблағ ажратилди. Фарғона Сув таъминот МЧЖ Олтиариқ филиали мутахассислари ҳамда сектор вакиллари иштирокида сув иншоотини ишга тушириш ва тармоқ учун хандак қазиш ишлари якунланмоқда. Амалга оширилаётган ишлар маҳалла аҳолисини ҳам бунёдқоликка чорламоқда. Миннатдорчилик кайфятидаги одамлар томонидан хашарлар уюштириляпти.

2022-09-09 17:43:14